

## ТҮЙ МАРОСИМ ҚҰШИҚЛАРИ (НИКОҲ ТҮЙ МАРОСИМИ ҚҰШИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИ)

Мамазияев Хуршидjon Аъзамjon ўгли

ФарДУ Санъатшунослик факультети “Муסיкий таълим ва маданият” кафедраси  
ўқитувчиси, муסיқашунос

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7178247>

**Аннотация.** Азалдан тўй маросимларида миллий куй қўшиқларимиз ижро этилиб, унга ўзига хос колорит бахш этган. Тўй маросим қўшиқлари бугунги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган бўлсада лекин баъзи қўшиқлар ўз ижро ўрни ва мазмунини ўзгартирган. Тўй маросимлари миллатимиз турмуш тарзида муҳим ўрин эгаллайди. Асрлар оша шаклланиб келган маросим, урф-одат ва анъаналаримиз, оҳанграбо куй-қўшиқларимиз халқимизнинг миллий рамзи бўлган. Бугунги кундаги тўй маросимларимизда оммавий маданиятнинг тобора авж олиб бориши эса миллий қадриятларимизнинг ўз ўрнини йўқотиб боришига олиб келиши мумкин. Мақолада шу кабилар хақда сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** тўй маросими, қўшиқ, ёр-ёр, келин салом, тўй муборак, ал муборак, никоҳ тўй, замонавий ёр-ёрлар, юз очди, келин чақирди.

## ПЕСНИ ДЛЯ СВАДЕБНОЙ ЦЕРЕМОНИИ (АНАЛИЗ СВАДЕБНЫХ ОБРЯДОВЫХ ПЕСЕН)

**Аннотация.** Испокоп веков наши национальные песни исполнялись на свадебных церемониях, придавая им неповторимый колорит. Даже сегодня свадебные песни не утратили своего статуса, но некоторые песни изменили место исполнения и смысл. Свадебные церемонии занимают важное место в жизни нашего народа. Наши обряды, обычаи и традиции, наши напевы и песни, формировавшиеся веками, стали национальным символом нашего народа. Растущая массовая культура в наших свадебных церемониях сегодня может привести к тому, что наши национальные ценности утратят свое место. В статье говорится о таких вещах.

**Ключевые слова:** свадебный обряд, песня, йор-йор, приветствие невесты, благословенная свадьба, аль-мубарак, свадьба, современный йор-йор, открытый лик, невеста зовется.

## SONGS FOR THE WEDDING CEREMONY (ANALYSIS OF WEDDING RITUAL SONGS)

**Abstract.** From time immemorial, our national songs have been performed at wedding ceremonies, giving them a unique flavor. Even today, wedding songs have not lost their status, but some songs have changed the place of performance and meaning. Wedding ceremonies occupy an important place in the life of our people. Our rituals, customs and traditions, our tunes and songs, which have been formed over the centuries, have become the national symbol of our people. The growing popular culture in our wedding ceremonies today may cause our national values to lose their place. The article talks about such things.

**Keywords:** wedding ceremony, song, yor-yor, greeting of the bride, blessed wedding, al-mubarak, wedding, modern yor-yor, open face, the bride is called.

КИРИШ

Хар бир миллатнинг ўзига хос ва мос маросим, турли хил урф-одат ва анъаналари бўлгани каби, бизнинг миллатимизда ҳам бундай маросим ва анъаналари бисёрлиги билан ажралиб туради. Бу ҳақида олдинги бўлимларда гапириб ўтганмиз. Шу маросимлар ичида халқимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга тўй маросимлари ўзининг сержило кўшиқлари билан бошқа маросимлардан ажралиб туради. Ушбу ишимизда тўй маросимларидан никоҳ тўйи маросим кўшиқларига тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тўй ота-боболаримиздан қолган бебаҳо маданий-маънавий қадрият бўлиб, у тириклик шукронаси, орзиқиб кутилган эзгу тилаклар, шод-у хуррамликнинг рамзий ифодасидир. Хоҳ мозийга назар ташлайлик, хоҳ бугунги кунимиз назари билан эртанги кунимизни фикран тасаввур этайлик, тўй маросимлари ўзининг шаклий ва мазмуний жиҳатлари билан барча даврларда ҳамоҳанглик касб этади. Аммо “тўй” атамаси барча тарихий даврларда ўз моҳиятини бир хилда сақлаб қолди.

Маълумки, тўй атамаси ўз ичига жуда ҳам кўплаб расм-русумлар, маросимлар ва кичик-кичик ирим-сиримлар мажмуасини қамраб олади. Аслида, мазкур атама, профессор фольклоршунос Б.Саримсоқовнинг кўрсатишича, "тўймоқ", "ел-юртга зиёфат бермоқ", "дўстлар дийдорига тўймоқ" сингари маъноларни англатса ҳам, инсоннинг ёш-жинс даражасига қараб ўтказиладиган анъанавий маросим бўлиб, тарихан бешик тўйи, хатна (суннат) ва никоҳ тўйларидан ташкил топган.

Дунёдаги кўпгина халқлар қатори ўзбек маросимлари орасида никоҳ тўйлари турли анъанавий удумлар ва фольклор кўшиқ намуналарига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам "тўй" сўзини эшитган ҳар бир ўзбекнинг кўз олдига, энг аввало, никоҳ тўйи келади. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Никоҳ тўйи балоғатга етган икки ёшнинг эл-юрт нигоҳи олдида, ота-она, қариндош-уруғ, дўсту-ёр розилиги билан бирлашишини ва шу орқали жамият ҳаётида давомийликни таъминлаш, насл қолдириш мақсадида ўтказиладиган энг эзгу маросимдир. Чунки дунёга келган ҳар бир инсон оила қуриш, ҳаётда ўз изини қолдиришни орзу қилади, унга етишишга интилади. Оила деган муқаддас жамиятнинг энг кичик аъзоси ҳам бевосита мана шу маросим орқали вужудга келади ва қадимги аجدодларимиз назарида қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан тан олинади. Никоҳ тўйлари жуда кўп айтим ва кўшиқлар билан кечади. Унинг моҳияти қиз узатилиши, яъни қадирдон ота уйдан куёв хонадонига кузатилиш пайтида ижро этиладиган ёр-ёрларда ёрқин очилади.

Ёр-ёр кўшиқлари асосан ўзбек никоҳ тўйи маросимининг “қиз узатар” ва “келин туширар” жараёнида ижро этилади. Атоқли олима М.Алавия қайд этганидек, “қиз уйда бошланган ёр-ёр” куёвникида ҳам давом эттирилади. Аммо қизнинг уйда айтилган “ёр-ёр” нинг мазмуни хайрлашиш руҳида, қизларнинг тақдири шундайлиги, ота-она уйдан кетишнинг оғирлиги, борган жойида тиниб-тинчиши кабилар ота уйда айтиладиган “ёр-ёр” нинг мазмунини ташкил этади”. Бу фикрлардан кўриниб турибтики ёр-ёрлар келин уйдан чиққандан то куёвнинг уйига боргунга қадар кузатув вазифасини бажариб, унда келиннинг яхши фазилатларини мақтаб, панд-насихатлар қилиб борилган. Масалан:

Йиғлама қиз, йиғлама,

Тўй сеники, ёр-ёр

Остонаси тиллодан

Уй сеники ёр-ёр.


Куёв ҳам ўз уйидан келинникига келгунга қадар ҳам ёр-ёрлар ижро этилган ва мазмуни жиҳатдан куёвни улуғлаб, унинг яхши фазилятларини мактаб қуйланган.

Ёр-ёрлар нафақат никоҳ тўйида балки хатна (суннат), мучал тўйлари ва қиз базмларида ижро этилган. Лекин бевосита никоҳ тўйи билан боғлиқ. Чунки ўша вазиятга боғлиқ холда ижро этилади. Шу билан бир қаторда, “ёр-ёр” кўшиқларининг тўй маросимларидаги ижроси хар бир худудда ўзига хос эканлиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, Бухоро ва Самарқанд воҳаларида “ёр-ёр” кўшиқлари бошқа вилоятлардан шеvasи, ижро услуби, характери ва баъзида икки тилда (ўзбек-тожик) ижро этилиши, шунингдек, эркаклар томонидан ҳам ижро этилиши билан фарқланиб туради.

Хоразм вилоятида эса, анъанага кўра, никоҳ тўйининг “қиз узатар” удуми чоғида бу воҳанинг ўзига хос қадимий фольклор ижрочиларидан бири – халфалар томонидан “ёр-ёр” айтилган. Илгарилари ўша куни йигит тарафдан келинни олиб келиш учун махсус безатилган улов – “арава” юборилган. Янгалар келинни дугоналари билан биргаликда ана шу аравага миндириб, куёвнинг уйи томон йўл олишган. Уларга хамрохлик қилган халфалар бевосита ўша жараёнга, бир мавзуга боғлиқ бўлган холда келиннинг барча фазилятларини очиб беришга интилиб кўшиқ ижро этишган.

Мамлакатимизнинг айрим худудларида келин бўлиб узатилаётган қизни олиб кетиш учун куёв билан бирга қизнинг хонадонига ташриф буюрган куёв жўралар ҳам “ёр-ёр” айтадилар. Масалан, Фарғона вилоятининг Ёзёвон шаҳарчасида қиз узатаётган хонадон ахли алоҳида битта уйни куёв ва унинг жўралари учун ажратиб, турли ноз-неъматлар ва пишириклар билан дастурхонни безатиб қўйишган. Куёв жўралар “ёр-ёр” айтиб келишади ва улар кирадиган уйнинг остонаси олдида янги матодан пояндоз тўшалган бўлиб, куёв ана шу пояндозга қадам қўйиши биланоқ куёв жўралар шўх қийқирик ва кулги билан пояндозни талашиб-тортишиб олишган. Бу удумнинг маъноси албатда яхши ниятда куёв жўраларнинг ҳам мана шундай кунларга етказиш маъносида бўлса керак.

Ушбу ишимиз учун Ҳадияхон Ҳамдамова ижросидан ёзиб олинган “ёр-ёр” кўшиғини таҳлил қилиш учун олдик. Бу “ёр-ёр” ўзига хос тарзда, лирик характерда ижро этилган бўлиб, товушқатори халқ ладларидан бири **б** дорий ладига тўғри келади. Диапазони эса Н – а<sup>1</sup> гача бўлган ораликни қамраб олади. Унинг товушқатори қуйидагича:



Кўшиқ давомида равон ҳаракатли бўлиб, ушбу ҳаракат асосан пастлама йўналган оҳанглардан иборат. 7-тактдаги кварта ва квинтали фаол сакрашлар, ортга равон ҳаракатлар билан тўлдирилган. “Ёр-ёр” оҳанги пастлама 1 та ярим ва 2 та бутун тондан иборат. Ушбу оҳанг кўшиқнинг асосий куй тезиси сифатида келади.

Ушбу таҳлили келтириляётган “Ёр-ёр” намунаси куплетли **а б с б** шаклда бўлиб, **а** – асосий “ёр-ёр” оҳанги, **б** – нақорот тарзида доим қайтарилувчи, **с** – эса кичик авж вазифасини бажаради.

Асосий оҳанг қуйидагича.



А)

Б)



С)



Қўшиқ ўлчови 3/4 тарзида бўлиб, раvon харакатда.



## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Бугунги кунда ҳам “ёр-ёр” кўшиқлари тўй маросимларида ижро этилмоқда. Лекин олдинги “ёр-ёр” лардан фарқли ўлароқ ижро услуби, матни ва қисман характери ўзгарган. Авваллари айрим худудларда чолғу жўрлигисиз ижро этилган бўлса, айна дамда бир неча чолғу жўрлигида ижро этилмоқда ва бунинг натижасида унинг характери, куй ривожини ўзгаришга олиб келди. Одатда “ёр-ёр” лар мазмуни жихатидан келинни кузатиш вазифасида, унга панд насихат қилиб айтилган ва ўша вазиятнинг ўзида ижро этилган. Хозирги кунда баъзи худудларда “ёр-ёр” лар ўз ўрнида ижро этилгани йўқ. Ёр-ёрларнинг аввалги ва хозирги вақтдаги тафовутларини куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

№	Ёр-ёрлар Функцияси	Олдинги “ёр-ёр” лар	Хозирги “ёр-ёр” лар
1	<b>Мавзу</b>	Келиннинг уйдан бошлаб куёв хонадонигача	Куёв хонадонидан тўй базми пайитида
2	<b>Вазифаси</b>	Кузатиш, панд-насихат ва мактовлар	Вазифаси йўқ. Чолғу варианты.
3	<b>Ижро услуби</b>	Келиннинг дугоналари ва аёллар гуруҳ тарзида	Аёл ва эркак хонандалар томонидан. Якка замонавий хонандалар
4	<b>Ижро воситаси</b>	Якка, доира жўрлигида	Замонавий чолғу ансамбллари жўрлигида
5	<b>Характери</b>	Ғамгин, лирик, куйчанг	Характери сақланган қисман ритмик ўзгаришлар билан
6	<b>Куй</b>	Анъанавий, куйчан ёки речитатив кўшиқсимон	Анъанавийлик сақланган
7	<b>Шакли</b>	Куплет	Куплет нақорати билан
8	<b>Локалик</b>	Фарғона водийси ва бошқа худудларда	

Бугунги кун тўй маросимларида ижро этилаётган ёр-ёрларлар тарихий тури билан деярли бир хилдир. Асосий фарқ ижро услуби ва усулида кўзга ташланади. М.Вахобова ижро этган ёр-ёр намунаси ана шундай анъанавий кўринишда бўлсада ижро ўрни, ижрочилар таркиби билан фарқланади. Бу ерда ҳам пастловчи интонацион ҳаракатлар ифодасида намоён бўлувчи мунгли оҳанг кўшиқнинг салобатини акс эттирган. Ушбу пастлама ҳаракатли тузилма нафақат ўтмиш ва бугунги ёр-ёрлари учун, балки ўзбек анъанавий фольклор кўшиқчилиқ санъати учун универсал тезисдир. Ёр-ёр кўшиғининг сўзлари аввалгиларидан фарқ қилмаган ҳолда панд насихатлар ва яхши фазилатлари куйланади.

Никоҳ тўйи маросимида анъанавий тарзда ижро этиб келинадиган кўшиқлардан яна бири “Келин салом”дир. Бу кўшиқ келин куёвнинг уйига келганидан сўнг тўй куни ёки тўйнинг эртасига айтилади. Келин саломлар келиннинг куёв хонадонига оила аъзолари, қариндош-уруғлари, қўни-қўшниларига хурмат бажо келтириш ва келинни улар билан таништириш мақсадида ўтқазилади. Маълумки, таништириш саломдан бошланади. Шу боис, сўзга чечан бўлган келиннинг дугоналари ёки янгалари келиннинг ёнида туриб ёки қўлтиқлаб олганча анъанага кўра, оллоҳ таолодан тортиб пайғамбаримиз, азиз авлиёларга салом беришдан бошланади. Кейинчалик бўлғуси қайнота билан қайнонасига ва бошқа қариндошларига, куёв тарафнинг уруғ-аймоғига, қўни-қўшнисига, тўйда хизмат қилганларга салом берадилар.

Салом айтувчи ҳар-бир шахсга салом йўллаганда келин эгилиб салом беради. Баъзи “келин саломлар” ҳазил характерида бўлиб, салом йўлланаётган кишининг у ёки бу одати, хусусияти энгил кулги билан хажвий тарзда ижро этилади. Масалан:


Одам қилиб яратган,  
Булбул қилиб сайратган,  
Бу оламни яратган,  
Аввал худога салом.  
Эрта турган, кеч ётган,  
Кўю кўзини сотган,  
Салом, салом, яна салом,  
Қайнотасига салом.  
Тоғдан ирғай кестирган,  
Алпдек ўғил ўстирган,  
Салом, салом, яна салом,  
Қайнонасига салом.

Саломни қабул қилгани келган шахс ўзи билан совға тариқасида ёш келин-куёвларга керак бўладиган маиший буюмлар ҳадия қилишган ва бунга нисбатан келин томон румолча беришган.

Ҳар бир ҳудудда “келин салом” кўшиқлари ўзига хос тарзда ижро этилган. Масалан, Фарғона водийсида “келин салом” кўшиқлари “келин туширар” маросимида уч ҳолатда: келин-куёв олов атрофида айланганидан сўнг (ҳозирда бу жараён баъзи ҳудудларда истеъмолдан чиққан), келин янги хонадон оstonаси олдида борганида ва тўй базми бошланиши олдида, шунингдек, “юз очди”, “келин эшикка чиқти”, “келин чақирди” маросимларида айтилган.

Хар бир салом айтувчига юклатиладиган мушкул вазифалардан бири бу салом йўлланаётган шахснинг феъл-атвори ва юриш-туришига қараб тасвирлаб бериш масъулияти қўйилган. “Келин салом” жанрига мансуб халқ кўшиқларида турли кифалар таъриф-гасниф этилиб, уларнинг ташқи кўриниши, ички дунёси, хатти-харакатлари таъриф жараёнида ёритилади. Ана шундай кўшиқлардан бири Ҳадия Баратовадан ёзиб олинган “келин салом” кўшиғидир.


Ушбу кўшиқ ўзига хос тарзда улуғворлик бахш этувчи доира садолари остида жаранглайди ва ижрочи кўшиғини бошлайди. Кўшиқ 2/4 ўлчовида, икки тактли усул кириш билан бошланади.



Кўшиқнинг диапазони квинта доирасида, пастки эолий пентахордида бўлиб, с<sup>1</sup> дан – g<sup>1</sup> гача бўлган ораликни қамраб олади. Лади эса с-эолий.



“Келин салом” нинг шакли халқ кўшиқчилигига хос бўлган куплет шаклида, банд-нақорот кўринишида берилган. Унинг оҳанг жумлалари а-а<sup>1</sup>, нақорот қисмида эса б,с,д,с<sup>1</sup> ни ташкил этади.



Кўшиқнинг асосий оҳанги икки тактдан иборат бўлиб, терция оралиғида жойлашган. Ушбу оҳанг II босқич ре товушидан бошлаб секунда юқорига ҳаракатланади ва асосий таянч босқич до нотасига равон, пунктир ритм билан қайтади ва шу оҳанг такрорланаверади. Бунинг асосида нақорот тузилган бўлиб, бандга нисбатан анча юксалган, ритмик қочиримлар билан диапазони кенгайган. Асосий диапазон квинта бўлганлиги учун ривожланиш квинта оралиғигача кенгайди ва ладнинг таянч товуши до нотасига қайтади. Кўшиқнинг бандлари ким келаётганини, унинг хусусиятини таърифласа, нақорот эса кимга салом бераётганлигини кўрсатиб беради. Кўшиқ бандининг оҳанги маълум даражада “ёр-ёр” оҳангига яқин.


Бугунги кунда ҳам “келин салом” кўшиқлари никоҳ тўйи маросими куни ёки унинг эртасига “юз очди”, “келин эшикка чиқти” маросимида ижро этилмоқда. Уларнинг

мазмуни, шеъри, оҳанги, ижро ўрни сақланиб қолинган бўлиб, замонга хос тарзда профессионал чолғулар жўрлигида ижро этилмоқда.

“Келин салом” айтувчиларнинг ижро этиш салоҳияти олдинги даврларга қараганда анчайин юксалган. Бу ўз ўрнида кўшиққа янгича кўтаринки кайфият бағишламоқда. Авваллари “ёр-ёр”, “келин салом” маросимларини келиннинг дугоналари ёки янгалари ижро этган бўлса, бугунги кунда бу маросимлар учун тўй қилаётган хонадон вакиллари профессионал кўшиқчи ва чолғучилардан ташкил топган санъаткорларни таклиф этишмоқда. Лекин, бундай ҳолатлар юртимизнинг шаҳарларида ривожланган бўлиб аста секинлик билан бошқа ҳудудларга ҳам тарқалмоқда.


Замонавий талқиндаги келин саломлар турли ҳудудларда ҳар хил услуб ва кўринишларда, ўзгача бўёқлар билан ижро этилади. Фарғона водийсининг Ёзёвон туманида фаолият олиб бораётган Марғуба Вахобова ҳам замонавий келин салом ижрочиларидан биридир. Унинг ижросидан нотага олинган келин салом кўшиғи юқорида биз таҳлилини келтирган ижродан бирмунча фарқланади. Буни шакилнинг кенгайиши, усулнинг ривожланганлиги ҳамда профессионал ижро услубида кўришимиз мумкин. Кўшиқнинг усули ўйноқ характерда, ижро жараёнида кўшиққа кайфият ва улуғворлик бахш этади. Ўлчови 4/4 кўринишида. Ушбу келин саломда ҳам лад ва оҳанг жихатлари анъанавий тарзда. Кўшиқ асосий 4 тактли кириш билан бошланади. Кириш қисмининг шакли шеърий текст билан боғлиқ ҳолда тузилган бўлиб, **а а б а<sub>1</sub>** жумлаларини шакллантирган. Бу жумлалар келин саломнинг оҳанги асосида ижро этилади.

**Allegro** ♩ = 90



Av - val bosh - dan ay - tay - lik, gu - noh bo' l - sa qay - tay - lik,  
 ruh - sat be - ring a - ziz - lar ke - lin sa - lo - min bosh - lay - lik.

Асосий куплетли шаклдаги такрорланиб турувчи қисм жумлалари аввалги кўринишларидан шакл жихатидан кенгайгани билан характерланади. Ушбу кенгайиш замонавий кўшқчилик услубига хос хусусиятлардан бўлиб, асар таркибидага жумлаларнинг варированланган кўринишларида ўзини намоён қилади.



Ye - ri ko'k - ni ho' l qil - gan, ik - ki gul - ni bir qil - gan,  
 ke - lin sa - lom be - ro - di, i - bo bi - la - n egi - lo di,  
 gu - voh bo' - ling a - ziz - lar, av - val hu - do - ga sa - lom!

## МУҲОКАМА

Тўй маросимлари таркибида келин салом ва ёр-ёрлар каби мавқега эга бўлган “Тўй муборак”, “Ал муборак”, “Тўйингиз муборак бўлсин” каби тўй “Қутлов” қўшиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу қўшиқлар никоҳ тўйлари базм кечаларида турли худудларда хар хил ўринларда ижро этилган. У ҳам маросимнинг бошқа қўшиқлари сингари маълум бир удум билан чамбарчас боғлиқ холда ижро этилади. Тарихан шакилланишида унга тўй маросимларида тўй эгаларини, ва тўйга келган меҳмонларни қутлаш вазифаси юклатилган. Бугунги кунда ҳам қутлов қўшиқлари мавжуд бўлиб, улар ҳам деярли асл ўрнида ва ўз вазифасида ижро этилади. Бироқ унинг сўз матнлари, ижро усули, мусиқий талқини замонавий мусиқий тараққиёт ютуқлари воситасида бутунлай ўзгариб кетган дейишимиз мумкин. Магнит ленталарга ёзиб қолдирилган фольклор услубидаги қутлов қўшиқларини дастлабки кўринишларини ўрганар эканмиз, унинг речитативсимон оҳанглари, бирмунча содда тузилмалар ва декламацион усулда ижро этилувчи турлари билан бирга анчайин ривожланган кўринишларини ҳам учратдик. Улар ўзларининг сержило оҳанглари, табрик ва қутлов сўзлар воситасида қувноқлик бахш этилган жумлалари билан тингловчилар кайфиятини кўтариб, маросим қатнашчиларига қувонч бағишлайди.

### Xush keldingiz

Andante q = 72

As-sa-lom ey yan-gi meh-mon meh-ri-bon hush kel-din-giz ay-la-yin jo-nim-ni-so -  
 8  
 ru bar-ki - jo hush kel -din-giz Sar - vi qad - lar hub - la - yi sho - xu ja -xon  
 14  
 hush kel - din-giz o - shi -g'in - giz bir - la bo'l -g'ay siz om - on hush kel din - giz

“Тўйлар муборак” қўшиғининг қуйидаги намунаси қуйовга, тўйхонада хозир бўлган меҳмонларнинг барчаларига атаб ижро этилган. Асосий жўрсоз сифатида аёллар фольклор қўшиқчилига хос “чилдирма” ишлатилган. Мавзу, шеърый матн ва ижро ўрни қувноқлик, хурсандлик, табрик маъноларида бўлсада, юқорида келтириб ўтганимиз ёр-ёр оҳанги воситасида куй мунгли кайфиятда янграйди.

to'y muborak to'y-lar mu-bo - rak bo'l-si - na  
 Doira  
 4  
 ay-lanay kuyov to'ra qay-liq mu-bo rak bo'l - sina



Ушбу мавзуга бугунги кунгача хаваскор ижодкордан тортиб, профессионал ижрочи ва бастакор, хонандаргача тез-тез мурожаат қилишади. Халқ орасида хозирда машхур ва ахамиятли бўлиб қолаётган “Тўйлар муборак” кўшиғи Т.Жалилов қаламига мансуб бўлиб, бу кўшиқни дастлаб у “Тохир ва Зухра” операси ва мусиқали драмасига киритган. Биринчи бор ушбу кўшиқни Жўрахон Султонов “Тохир ва Зухра” кинофильмида ижро этган. Ушбу кўшиқни мохирона ижро этгани учун Жўрахон Султонов ижоди деп блишади. Кейинчалик ҳофиз “Тўйлар муборак” кўшиғини турли хил давраларда, тўй хашамларда ижро этади ва бу халқ кўшиғига айланиб кетган.

## ХУЛОСА

Бугунги кунда ушбу кўшиқ никоҳ тўйи маросимида келин-куёвларни, тўйга ташриф буюрган меҳмонлар, ёру-дўст биродарларни қутлаш мақсадида тўй кечаси ижро этилади. Шу ўринда айтиш мумкинки хозирги кунда қутлов вазифасини бажарувчи замонавий эстрада кўшиқлари ҳам пайдо бўлмоқда. Бунга мисол сифатида “Келибди” кўшиғини айтишимиз мумкин. Бу кўшиқ ҳам “Тўйлар муборак” сингари келин-куёв никоҳ базми кечаси тўй хонага ташриф буюрган пайтда ижро этилади. Кўшиқнинг сўзлари икки ёшни улуғлаб, уларга таъриф бериб ижро этилади.

Ёр уйига клин пошша,  
Ибо билан келибди,  
Куёв тўра юрагида,  
Сарпо билан келибди.  
Аста-аста қадам босар,  
Кўтлуғ бўлсин қадамлар,  
Гўё куёв Тохир бўлиб,  
Зухро билан келибди.

Никоҳ тўйи маросимида ижро этилаётган хар бир кўшиқ ўзининг улуғворлиги ва заминидида икки ёшга бахт-саодатилар тилаган холда уларнинг келажак ҳаётларига панд-насихатлар тилаб, бир-бирларни эъзозлаб, турмушида бўладиган яхши-ёмон кунларини биргаликда ахил бўлиб енгиб ўтишга дават этади. Бу кўшиқларда халқимизнинг маънавий бой тарихи, дунё қараши, ҳаёт фалсафаси йўғирилган бўлиб, ўз тажрибаларидан келиб чиқиб янги ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга ўзларининг қимматли ўғитлари жамланган. Зеро оила бу жамиятнинг кичик бир бўлаги бўлиб, оила ҳам жисмонан ҳам маънан етук шакилланса ватан равнақи учун фойдадан холи эмас.

## REFERENCES

1. Абдуллаев Р.С. Обряд и музыка. Тошкент, 2006
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим кўшиқлари. Тошкент, 1974
3. Баратов Ш. Ўзбек халқ ёр-ёрларининг жанр хусусиятлари. Тошкент, 1998
4. Баслов В.Н. Хатна-тўй в Ферганском кишлаке. Этнографическое обозрение Москва.,1996
5. С.Давлатов “Анъана ва маросим” Тошкент-2009 5-бет.
6. Исмонов О. Фарғона водийси, ўзбек тўй маросим фольклорида ёр-ёр жанрининг ўрни. Тошкент, 2006
7. Саримсоқов Б. Маросим фольклори-ўзбек фольклори очерклари. Т., 1988
8. Жўраев М. Қошу кўзи пликдай. Тошкент,2016

9. Кароматов Ф.М. Ўзбек халқ мусиқа мероси XX аср. 1-2 том. Тошкент,1978
10. Kurbanova, B., Khurshid, M., & Tokhirjon, S. (2022, May). THE ROLE AND IMPORTANCE OF A SYSTEMATIC APPROACH TO TEACHING IN THE FINE ARTS. In *Archive of Conferences* (pp. 105-107).
11. Мамазияев, Х. А. Ў. (2022). МАҚОМ САНЪАТИДА МУСИҚА ЧОЛГУЛАРИНИНГ ТАДРИЖИ. *Science and innovation*, 1(С3), 7-14.